

Бу ҳаво-томчи йўли билан юқадиган жиддий касаллик Агар сил касалини даволамаса, у ўлимга олиб келиши мумкин.

Сил касали билан ҳар қандай одам - эркак ва аёл, қари ва ёш, қамбағал ва бой касаллиниши мумкин. Аммо деярли ҳар доим сил касаллигини тўла даволаш мумкин.

БУ МУҲИМ!

Фақат шифокор назорати остида даволаниш мумкин.

Агар сил касали даволанмаса, оила аъзолари ва дўстларга юқиши мумкин

Россияга яшаш ва меҳнат қилиш учун келаётган мигрантлар Ягона миграция марказига ҳужжат топшираётганда, албатта сил касали мавжудлиги ёки йўқлигига текширувдан ўтишади. Агар кимсада сил касаллиги топилса, у Россияда қонуний яшай ва ишлай олмайди. У албатта даволаниши зарур Шифокорлар назорати остида даволаш курсидан ўтгач, у яна ҳужжатларини миграция марказига топшира олади.

Мигрант Россияда пулли ёки ўз мамлакатида бепул даволаниши мумкин

СИЛ КАСАЛИНИНГ БЕЛГИЛАРИ:

- Тана ҳароратининг кўтарилиши;
- Уч ҳафтадан ортиқ давом этган йўтал;
- Иштаҳанинг буғилиши;
- Тана вазнининг камайиши;
- Мунтазам ҳолсизлик;
- Тунда кўп терлаш;
- Лимфа тугунларининг каттайиши;

Агар сизда шу белгилар бўлса, албатта шифокорга мурожаат қилинг! У Сизга керакли таҳлиллар ва даволаш курсини тайинлайди.

Даволаш касалликнинг шаклига қараб, ярим йилдан икки йилгача чўзилиши мумкин.

Агар инсон шифокорга ўз вақтида мурожаат қилиб, тўла даволаниш курсларидан ўтса, ҳамда шифокор тавсияларига тўла амал қилса, сил касалидан батамом фориғ бўлиши мумкин.

Мустақил ёки танишларнинг маслаҳатлари билан даволаниш мумкин эмас Бу касалликнинг ривожланишига олиб келади.



Бу ерда сиз бепул маслаҳат
олишингиз мумкин:


+7 967 079-71-45

+7 915 452-83-92

+7 910 000-55-18


«Сиҳатлик сари бир қадам»

Бу ерда сизнинг тиббий ёрдам
олиш ҳақидаги саволингизга жавоб
беришади ва ўзингизни қандай
ҳимоя қилиш ҳақида маслаҳат
беришади.



СИЛ КАСАЛЛИГИГА ЙЎЛИҚМАСЛИК УЧУН ҚҲИИДАГИЛАР МУҲИМ:

- Сиз яшаётган хонадон ёки уйни тез-тез шамоллатиб туриш, намли тозалов ишларини олиб бориш
- Яхши овқатланиш
- Тўйиб ухлаш
- Тамаки ва спиртли ичимликлардан воз кечиш
- Агар бошқа касалликларингиз бўлса, ўз вақтида даволаш



СИЛ (ТУБЕРКУЛЁЗ) КАСАЛЛИГИ НИМА?